

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди

Тасдиқланди
ЎзР ОЎМТВ

№ _____
« _____ » _____ 2006 й.

« _____ » _____ 2006 й.

Нур ташхиси ва терапияси фанидан

ДАСТУР

Олий таълимнинг 720000 – «Соғлиқни сақлаш» таълим соҳасининг
5720400 – «Стоматология иши» таълим
йўналиши талабалари учун

Тошкент-2006

Тузувчилар: **Ходжибеков М.Х.** – ТМА, т.ф.д., профессор
Янгуразова Д.Р. – ТМА, т.ф.н., доцент
Ахмедов Б.Р. – ТМА, т.ф.н., катта ўқитувчи

Такризчилар: **Шакиров Э.А.** – ТШМОИ, т.ф.д., профессор
Расулова Л.Х. –ТашПМИ, т.ф.н. доцент

Дастур Тошкент Тиббиет академияси Илмий Кенгашида кўриб чиқилган
ва тавсия қилинган («31» май 2006 й. 12- сонли мажлис баённомаси).

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг _____ қайдномаси билан тасдиққа
тавсия этилган.

Кириш

Нур ташхиси ва терапияси ўқитиш мақсади – умумий амалиёт стоматологни (бакалаврни) нур ташхиси ва нур терапияси усуллари назарий ва амалий асосларига ўргатиш, шу жумладан рентгенологик усуллар, сонография, компьютер томография, магнит-резонанс томография ва радионуклид усуллар.

Нур ташхиси ва терапияси фанининг вазифалари куйдагилардан иборат: нур билан текширишга ва даволашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни белгилаш, ҳар бир нур усуллари афзаллик ва камчилик томонларини билиш, нур усуллари тўғри ва оптимал танлаш, юз-жағ соҳаси патологик синдромларини нур усуллари ердамида кўра билиш, тиббий тасвир таҳлил қилиш асосларини ўрганиш.

Нур ташхиси ва нур терапияси фани бошқа ўқув фанлар билан боғланган, шу жумладан нормал ва патологик анатомия, нормал ва патологик физиология, онкология, хирургик стоматология, терапевтик стоматология ва ортопедик стоматология, кулоқғтомоқ ва бурун касалликлари, офтальмология фанлари билан. Бу фанларни ўзлаштирилиши тиббиёт тасвирларда кузатилаётган ички аъзо ва системаларни анатомик, структур ва функционал ўзгаришларни тўғри ифодалашга ёрдам беради.

Рентгенологик усуллар

Рентгенологик текширишга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар. Рентгенологик текширув тайинлаш қоидалари, текширувга йўлланмани расмийлаштириш. Рентгенологик тасвир шаклланиши ва унинг хусусиятлари (суммацион, тасвир, соялар суперпозиция ва субстракцияси, тангенциал эффект, объект улчами ва шаклини проекцион тасвирда ўзгариши).. Рентгенологик текшириши усуллари (рентгенография, телерентгенография, электрорентгенография, рентгеноскопия, флюорография, дигитал рентгенография, оддий томография). Рентгенограмма сифатини баҳолаш. Бемор ва персонални нурланишдан химоя қилиш. Рентгенологик текширувларда нурланиш дозалари. Қон-томир ва лимфа йўллари рентгенологик текшируви (ангиография). Рентген контраст моддалар тури. Контраст мода тури ва дозасини беморнинг ёши, вазни ва текширув мақсади ва текширилатган аъзо ҳолатига қараб танлаш. Контраст мода юбориш йўллари. Контраст моддага реакциялар ва асоратлар Стоматологияда рентгенологик текшириш усуллари. Классификация. Оғиз ички усуллар уларнинг афзаллиги ва камчиликлари. Оғиз ташқари усуллар, уларнинг афзаллиги ва камчиликлари.

Ультратовуш усул

Сонографик текширишга кўрсатмалар. Ультратовуш тасвири шаклланиши. Эхонегативлик ва эхопозитивлик тушунчаси. Олинаётган

информацияни ультратовуш частотаси билан боғлиқлиги. Ультратовуш текшируви методикалари (режимлари): Бир ўлчамли (А, М-режимлар), икки ўлчамли сонография (В-режим) оддий ва рангли доплерография ва дуплекс сканлаш. Аъзолар морфология ва функциясини ўрганишда режимлар ахамияти. Стомалогик беморларни текширишда сонография ахамияти. Ультратовуш назоратида интервенцион муолажалар. Ультратовушни биологик таъсири. Ультратовуш тулқинларини мухитда ўтиши. Ультратовуш тулқинлари потенциал зарарлиги, уларнинг профилактикаси.

Компьютер томография

Компьютер томография (КТ) тарихи ва унинг замонавий тиббиётда ўрни. КТ-тасвир шаклланиш принциплари. КТда контрастланиш услуги. Сканлаш усуллари: кетмакет, спирал, динамик ва х.қ.. Текшириш параметрларини танлаш. Компьютер томограмма рентгенанатомик ва денситометрик тахлили. Хаунсфилд шкаласи. КТда радиацион химоя, нурланиш дозалари. КТ афзаллиги ва камчиликлари.

Магнит-резонанс томография

МРТ тарихи. МРТ афзаллиги ва камчиликлари. МРТ физик асослари, T1 ва T2 релаксация вақтлари. МР-тасвир хусусиятлари. T1, T2 ва протон зичилиги тасвирлар. Текширув ўтказиш услуги. Текширув параметрлари TR, TE, T1 танлаш. Махсус усуллар: МР-ангиография, МР-урография, МР-холангиография. Магнит майдони ва радиотулқинларни одам организмига салбий таъсири. Беморлар инструктажи ва текширувга тайергарлиги. Бемор жойлантириш. МРТга специфик қарши кўрсатмалар. Беморлар премедикацияси. МРТ хонасида пациент ва персонал учун хавфсизлик чоралари. Магнит-резонанс спектроскопия.

Радионуклид усул

Радионуклид текширувга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар. Мақсадга қараб текширув танлаш (морфологик еки функционал ҳолатни баҳолаш). *in vivo* текшириш услублари: радиометрия (дистанцион, контакт), гамма-хронография и гамма-топография. Сцинтиграфия. Эмиссион компьютер томография. Позитрон-эмиссион томография. Радиацион хавфсизлик қоидалари, радиофарммодалар билан ишлаш санитар қоидалари, уларнинг сақланиши ва назорати. Бемор ва персонални радионуклид текширувларда нурланиш дозалари. Беморлар нурланиши регламентацияси

Юз-жағ соҳаси касалликлари нур ташҳиси

Тиш ва жағлар ривожланиш анатомияси. Юз-жағ соҳаси травматик шикастланиши, ет таналар Турли ешларда тишлар ва жағлар нур анатомияси.

Юз-жағ сохаси туғма ва ортирилган деформациялари, системик ва маҳаллий аномалиялар, танглай кемтиги, туғма киста ва ўсмалари. Яллиғланиш касалликлари: кариес, пульпит, периодонтит. Жағ сохаси остеомиелити нур ташхиси. Парадонт касалликлари. Жағлар радиацион шикастланиши. Юз-жағ сохаси кисталари, хавфли ва хавфсиз ўсмалари. Чакка-пастки жағ касалликлари (артрит, ревматоид артрит, артроз). Сулак безлари касалликлари. Юз-жағ сохаси хирургик муолажа ва протезлашдан сўнг нурли текширувлар.

Амалий машғулотлар

Нур ташхисига кириш. Рентгенологик усуллар. Ультрасонография. Радионуклид текшириш. Компьютер томография. Ангиография. Магнит резонанс томография. Стоматологияда кулланиладиган нур ташхиси усуллари. Тиш жағ тизими ривожланишини. Тиш-жағ сохаси туғма аномалиялари. Юз-жағ сохаси травмаси. Юз-жағ сохаси яллиғланиш ва дегенератив-дистрофик касалликлари. Тиш жағ сохаси кисталари ва усмалари.

Мустақил иш

Нур терапияси физик ва техник асослари. Ионлаштирувчи нурлар биологик тўқималарга таъсири. Мухитда нурлар энергияси ўтказилиши. Ютилган нурлар энергиясини дозиметрик баҳолаш. Турли нурларни одам танасида тақсимланиши. Нур терапия усуллари. Радиацион терапевтик техника. Нур терапияси биологик асослари. Ионлаштирувчи нурлар биологик эффекти.

Ўсма ва бошқа касалликларни нур терапияси. Ионлаштирувчи нурларни хужайрага таъсири. Тананинг нурланишга реакциялари. Аъзо ва туқималарни нурланишга радиосезгирлиги. Ўсмани нур билан даволаш. Турли ўсмаларни радиосезгирлиги. Ўсма ва нормал туқима радиосезгирлигини узгартириш усуллари. Нур терапияси усулини танлаш асослари. Нур терапияга курсатмалар. Оптимал нурланиш дозасини танлаш. Турли жойлашган хавфли ўсмаларни нур терапияси программаси. Усмадан ташқари касалликларда нур терапияси кулланилиши.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар руйхати

Асосий

1. Линденбратен Л.Д., Наумов Л.Б. Медицинская рентгенология. М.: Медицина, 1984, - 300 с.
2. Ильясов Т.Н. Лучевая диагностика. Т.: Ибн Сино, 1995, - 256 с.
3. Илесов Т.Н. Тиббиет рентгенологияси. Т.: Ибн Сино, 1994, - 260 б.

4. Линденбрaтен Л.Д., Наумов Л.Б. Медицинская рентгенология. М.: Медицина, 1986, - 320 с.
5. Ильясов Т.Н. Клиник радиология асослари. Т.: Ибн Сино, 2002, - 300 б.
6. Juhl J.H., A.B.Crummy et al. Essentials of radiologic imaging. 7 th ed. Lippincott. N-Y, 2001, - 800 с.

Қўшимча

7. Петерсон Х. Общее руководство по радиологии. М.: Никомед Мондрук, 1995, - 350 с.
8. Зегенедизе Г.А. Клиническая рентгенорадиология. М.: Медицина, 1983 (в 5 т.), - 820 с.
9. Воробьев С.А. Рентгенодиагностика заболеваний зубов и челюстей. - М. Медицина, 1983, - 150 с.
10. Зегенидзе Г.А. Рентгенологический атлас заболеваний зубов и челюстей. М. Медицина, 1976, - 220 с.
11. Линденбрaтен Л.Д., Лясс Ф.М. Медицинская радиология. М.: Медицина, 1986, - 240 с.
12. Рейнберг С.А. Рентгенодиагностика заболеваний костей и суставов. М.: Медицина, 1964, - 500 с.
13. Розенштраух Л.С., Рыбакова Н.И., Винер М.Г. Рентгенодиагностика заболеваний органов дыхания. М.: Медицина, 1987, - 350 с.
14. Гаубния Р.И., Колесникова Е.К. Компьютерная томография в клинической практике. М.: Медицина, 1995, - 170 с.
15. Naaga J.R., Lanzieri C.F., Sartoris D.J., Zerhouni E.A. Computed tomography and magnetic resonance imaging of the whole body, - 900 с.
16. Интернет маълумотлари қуйидаги сайтлардан олинади: www.learningradiology.com, www.auntminnie.com, www.radiology.ru.